ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 апрель куни Американинг «Озод Европа» ва «Озодлик» радиокорпорацияси Президенти Кевин Клозни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Тошкентда «Озодлик» радиосининг ваколатхонаси очилиши жаҳонга Ўзбекистон ҳақида бевосита ҳаққоний ахборотлар бериш имкониятини яратишни қайд этди ва Америка Қўшма Штатлари конгресси томонидан молиявий таъминланаётган ушбу радиокорпорация демократик озод жамият қуриш, ўз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлидан бораётган Ўзбекистон халқининг дунёда кечаётган воқеалардан хабардор бўлишида ҳам муҳим ўрин тутишини айтди. Жаноб Кевин Клознинг сафари эса «Озод Европа» ва «Озодлик» радиосининг мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларга қизиқиши ортиб бораётганидан дарак беришини таъкидлади.

Кевин Клоз мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг ўтган қисқа муддат ичида республикамизда катта ўзгаришлар рўй берганини эътироф этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан «Озод Европа» ва «Озодлик» радиокорпорацияси ўртасидаги узаро ҳамкорлик масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро, «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбаси мудири Ёқуб Турон ҳозир бўлди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.
С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА

1.Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон «Бизнесфонди» бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа таъсисчиларнинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, уларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъқуллансин.

3. Жамғарма ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этиш, демократияни ривожлантириш, ёшлар қалбида миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида соғлом руҳ ҳамда дунёқарашни шакллантиришдек хайрли ишни мақсад қилиб қўйганлиги эътироф этилсин.

Жамғарма қўйидагиларни ўз фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгилагани эътиборга олинсин:

— ёшларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бош конституциявий ҳуқуқларининг тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш;

— ёшларнинг тарбиясига тааллуқли кенг қамровли ишларни амалга оширишда давлат идоралари, муассасалар, меҳнат жамоалари, илмий ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, жамоат арбоблари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий ҳислатлар, юртга муҳаббат, ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш;

—ёшларга замонавий билим, технологияларни эгаллаш, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва амалиётини ўзлаштириш, янгича фикрлаш омилларини ҳосил қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

5. Жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятида иштирок этиш республика жамоатчилигининг, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар, жамоат арбоблари, ёшлар мураббийлари, юрт оқсоқолларининг ватанпарварлик бурчи эканлиги таъкидлансин.

6. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очиқ эканлиги эътироф этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрида жамғарманинг бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

8. Жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг устав доирасидаги фаолияти бўйича солиқлардан 5 йил муддатга озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Камолот» жамғармасининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 17 апрель.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 18 апрель, пайшанба № 47 (21.968).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ШИМОЛДА ЕРГА УРУҒ ТУШДИ

Қорақалпоғистон Республикаси деҳқонлари ҳам чигит экишни агротехника муддатларида ўтказишнинг барча имкониятларидан самарали фойдаланмоқдалар. Чунки бу йил қишда кучли қорасовуқ кунлар кўп бўлди. Ердан муз кетмади. Баҳор одатдагидан бир ой кечикиб келди. Шунинг оқибатида чигит ва бошқа экинлар экишда қийинчилик туғилди.

Бугунга келиб Беруний, Хўжайли, Элликқалъа, Тўрткул, Амударё туманлари хўжаликларида чигит экиш оммавий тус олди. Шу туманлардаги «Шурахон», «Қиятобод», «Қирққизобод», Форобий, Тўлқин, Найман каби хўжаликларда чигит экиш жадал бормоқда. Республика хўжаликларида кунига 44 сеялкада 220-230 гектар майдонга чигит экилмоқда. Кечадан бошлаб ҳаво анча исиб қолди. Экиш суръати эса икки ҳисса ошди.

— Чигит экишни 20-25 иш кунида тугаллаш учун жадал иш олиб бормоқдамиз, — деди Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Оллоназар Жуманиёзов. — Бунинг учун пахтакор ва механизаторларнинг самарали ишлашларига барча шарт-шароитларни яратиб берганмиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ПОЙТАХТДА УЧ ҚАВАТЛИ ЙЎЛ

«Олой» бозори атрофида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўрганлар унга турлича баҳо беришмоқда:

— Метро қуриляпти.

— Менимча, ер ости сув қувурлари таъмирланяпти.

— Ер тагидан автомобиль йўли ҳам ўтармиш...

Бу гапларда жон бор. Метро қурилишининг, айниқса, Абдулла Қодирий номи билан аталадиган бекатида мураккаб юмушлар амалга ошириляпти. Жумладан, эскирган канализация қувурлари, ер ости электр симлари янгиланмоқда, айрим қурилмалар қайта таъмирланмоқда. Шу боис «Дўстлик» меҳмонхонасигача бўлган йўл вақтинча беркитиб қўйилди. Амир Темур ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойда эса уч қаватли йўл қурилаётир. Ер устида аввалгидек автотранспорт қатнови давом этади. Иккинчи ер ости йўли ҳам автотранспорт учун мўлжалланган. Учинчи ер ости йўлида эса метро поездлари ҳаракат қилади.

Хуллас, Тошкент метросининг Юнусобод йўналишида бунёд этилаётган саккиз бекатнинг ҳар бири ўзига хос қиёфага эга бўлади.

Абдунаби МАННОПОВ.

Бир пиёла чой устида.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ФРАНЦИЯ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Париждаги Халқаро дипломатия академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти китобини Франция оммавий ахборот воситаси вакилларига таништириш ва тақдим этиш маросими мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси билан Халқаро дипломатия академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Париждаги энг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Маросимда ушбу китоб Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи арафасида нашрдан чиққани алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акмал Саидов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДАН ЧАЛҒИТОЛМАЙСИЗ

Қишнинг қировли кунлари ортда қолди. Кенг далалар, дов-дарахтлар яшил либос киймоқда. Деҳқонлар таъбири билан айтганда, йилимиз баракали бўлади. Чунки, қиш ёғин-сочинга бой бўлди. Шу қувончбахш гаплар оғушида кўнгиллар шодланган бир пайтда, Россия Думасидагиларнинг навбатдаги «ўйини» соғлом кучлар томонидан сиёсий калтабинлик, деб баҳоланди. Бунга республикамиз фуқаролари ҳам бефарқ қарамояптилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ҳар бир туман, шаҳар ва чекка қишлоқ одамларидан муҳарририятимизга шошилинчномалар, мактублар келиб турибди. Улар Россия Давлат Думасидаги «арбоб»ларнинг 15 март куни қабул қилган қарорига салбий муносабат билдиришяпти, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувида сўзлаган нутқида билдирилган фикрларни қизғин қўллаб-қувватлашяпти.

«Думадагиларнинг эски ҳаётни кўмсаб, ҳаёлларига келган ғояларини олға сураётганлиги бизнинг жамоа партия ташкилоти аъзолари ҳамда дала меҳнаткашларини ғазаблантирди», деб ёзади Тошлоқ туманидаги «Фарғона» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Авазбек Юсупов.

Шунингдек, **Боёвут тумани «Тараққиёт» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К. Холиқбердиев** йўллаган мактубда хўжаликда шу муносабат билан очиқ партия йиғилиши бўлганлиги, унда сўзга чиққан нотиқлар Президентимизнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини маъқуллашганлиги ёзилган.

Қўлимизда **ЎзХДП Вобкент туман кенгаши фаоллари ва меҳнат фахрийлари — А. Мажидов, С. Тайиров, М. Ражабова, Ўзбекистон ХДП Ромитан туман кенгашидан Ж. Фозилов ва Шофиркон туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Р. Паноев**лар йўллаган шошилинчномалар. Улар мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун шу юрт кишилари аҳил, жипсликда меҳнат қилаётгани, Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар бир одил ва оқил фикрига қўшилажагини таъкидлашган.

«Орқага эмас, олдинга қараб юрамиз» деб бошлабди мактубини **«Қарши нон» ҳиссадорлик жамияти раиси Намоз Рашидов.** Унда бир ярим йилдан буён мулкчиликнинг янги шаклига ўтиб ишлаш натижалари сифат ва самарадорлик, муҳими, манфаатдорлик асосида иш юритилаётганлиги тилга олинган.

Тошкент туманидаги Навоий маҳалла ҳудудий партия ташкилоти котиби Э. Гуломов, Сирдарё туман партия кенгаши котиби М. Аҳмедов, Бўка тумани таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонасидан П. Абдулазизов, боғишамоллик нафақахўр Ж. Назиров, Самарқанднинг Сиёбидан Э. Султоновлар йўллаган мактубларда ҳам кишиларнинг қалб сўзлари мужассам бўлган. Улар Ўзбекистон қатта бир оила. Шу оиланинг нурли келажагини мустаҳкам қурилаётганлигини, бунга куч-қувват, имконият, муҳими, ёрқин йўл борлигини ёзишган.

Эътиборимизни **Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилояти кенгаши биринчи котиби Р. Облоёров** йўллаган мактуб тортди. Унда: «Бугун мустақил Ўзбекистонда демократик жараёнлар фаол амалга оширилаётганлигини жаҳон эътироф этмоқда. Барқарор турмуш, фуқаролар тинчлиги таъминлаётганлиги ҳар бир шахс ва умум манфаатларининг ўзаро уйғунлиги, изчил амалга оширилаётган миллий сиёсатнинг натижасидир. Зеро, юртимиз мустақиллиги халқнинг иродаси туфайлигина юзага келди, асрий орзуларнинг иродаси бўлди.

Шу боис ҳам бизда турмуш барқарор, одамлар буюк орзулар, яратиш — бунёдкорлик билан яшамоқдалар. Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш ҳақидаги қарори мустақил давлатлар фуқароларини яратиш — бунёдкорлик режаларидан чалғитиш, ўринсиз мунозаралар, керак бўлса можаролар келтириб чиқаришга уринишдан бошқа нарса эмас», — деган мулоҳазалар бор.

Шунингдек, **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби Атаулла Асанов** йўллаган мактубда ҳам республикадаги 31 мингдан ортиқ партия аъзоси мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай асраш, бу борада Президентимизнинг Россия Президенти Б. Н. Ельцинга йўллаган мактубида олға сурилган фикрлар тарафдори эканлигини билдирган. Унда халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бу қарор, мустақил Ўзбекистон учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, дейилган.

Қатрада қуёш акс этганидек, сатрларда ойдин йўлдан далил одимлашимизга куч, имконият, муҳими, барқарорлик мавжудлиги ҳақида гап юритилган. Биз барча дилномаларни ўқиб қувондик. Шунда мустақиллигимизга кўз тегмасин, илоё нурафшонлик ва ютуқлар ҳар биримизга йўлдош бўлсин, дея истак билдирдик.

Мактуб — кўнгил мулки

Хотин-қизларимиз Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш ҳақидаги қарорини барча қатори ташвиш билан кутиб олди.

Бизнинг соф ва қайноқ қонимизу, покиза кўкрак сутимизда бировларга тобелик, эгилиб яшаш эмас, балки юксак ғурур, ўзига ишонч, иймон-эътиқод, тантилик ва меҳрибонлик, эзгулик туйғулари барқ уриб туради. Биз, аёллар ҳаммадан олдин ўзлигимизни англаб олганмиз. Чунки ўзбек аёллари бой тарихга эга. Асл қизларимиз маърифатли, маданиятли, истеъдодли ва болажон бўлган.

Зебуннисодек нозик таъб, ўткир зеҳнли, хушфеъл ва дилбар ғазаллар битгувчи гўзал шоира қайси элда бор?! Ўзбекда. Алишерни аллалаган, Бобур бешигини тебратган ким? Ўзбек аёли. Агар Тегина онамиз, жафокаш соҳибқирон, етти иқлим ҳоқони Темурни вояга етказмаганларида, эҳтимол бизнинг элимизнинг довруғи дунёга бунчалик таралмаган, бахту тахтли, наслу насаби улуғ бўлмаган, асрлар оша имонли, инсофли Ватанини севувчи, элини ардоқлагувчи йигитлар дунёга келмаган бўлармиди?

АЁЛ МЕҲРИ — ТУГАНМАС ЧАШМА

Юртнинг кундан-кун равнақ топиши, йигитлари мард, қизлари лобар бўлиб етишишида аёлларимизнинг ҳиссалари улкан. Бизни 70 йил мобайнида қолоқ, билимсиз, маданиятсиз аёллар сафига қўшгандилар. Шундай замонлар бўлдики, аёлларимиз ғўдагини аллалаб ухлатиши у ёқда турсин, ҳатто бешикка белаши ор бўлиб қолган эди. Она сутини эммаган, дунёга келибоқ она ҳидини сезмаган бола қандай қилиб она меҳрига тўйсин-у, қандай қилиб онага, Ватанга меҳр қўйсин! Биз аёллар энди ҳеч қачон тутқунликда, тобеликда яшашни истамаймиз. Биз бировлардан ўрганиб эмас, ўргатиб яшашга қодирмиз. Минг шукрки, она диёримиздаги ёш авлод саломатлиги ҳақида қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Бу барчани кўпроқ ўйлашга, кўпроқ меҳр-оқибатли бўлишга ундайди.

Президентимиз бутун дунё аёллари ичида энг гўзали сизларсиз, дегандилар. Дарҳақиқат, аёлларимиз ҳар тарафлама гўзал. Чунки, диёримиз гўзал, тупроғимиз соф, ҳавомиз мусаффо. Шундай заминнинг ҳар қаричи барчамиз учун муқаддасдир.

Саида ЖАЛИЛОВА,
Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси.
НИЛУФАР,
туман қизлар уюшмаси раиси, шоира.

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН БОРАВЕРАМИЗ

Шу кунларда Россия Давлат Думасининг 15 мартда қабул қилган Беловеж битимини бекор қилиш бўйича қарорлари ва МДҲ мамлакатлари интеграциясини чуқурлаштириш шиори остида, ҳар икки ҳолатда ҳам, собиқ Иттифоқни тиклашга қаратилган воқеалар катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Улар, табиийки, миллий истиқлолни муқаддас билган, мустақилликни неча асрлар орзу қилиб, унга эндигина эришган барча халқларнинг ҳақли норозилигига дуч келмоқда. Негаки, озодлик шабадасидан бир марта тўйиб симирган эл-юрт иккинчи марта ўз бўйнини қуллик кишанига тутиб бермайди. Шу боис, жамоатчилигимизнинг юқоридаги, мустақиллигимизга таҳдид солувчи, саъй-ҳаракатларга муносабати жуда аҳамиятлидир.

Жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучларидан бири — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиёсий ижроия қўмитаси Россия парламенти қуйи палатасининг қарорлари қабул қилиниши биланоқ, унга нисбатан ўзининг аниқ-равшан муносабатини билдирди. Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, партиямиз вакиллари Олий Мажлис Кенгашининг мазкур масала бўйича кенгайтирилган мажлисида фаол иштирок этиб, ўз фикрларини билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг шу йил 19 мартда қабул қилган Нуқтаи назарида бутун партиямиз ташкилотлари ва аъзоларининг сиёсий қараши ифодаланиб, Дума қарори юзасидан республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши навбатдан ташқари учинчи сессиясидаги нутқи, Россия Президенти Б. Н. Ельцинга йўллаган телеграммаси ҳамда Олий Мажлис Кенгаши қарорида баён этилган қоида ва хулосалар батамом қўллаб-қувватланди.

Сиёсий ижроқўм юртбошимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири билан суҳбатида мустақил давлатлар интеграциясини чуқурлаштириш муаммоси бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари ўзининг теранлиги билан катта аҳамият касб этишини назарда тутиб, ушбу муҳим сиёсий масалага яна бир бор қайтишни лозим топди. Ў республикамиз раҳбариятининг интеграциясини чуқурлаштириш борасида тутган йўли партиямизнинг, жаҳон тараққиёти муаммоларига доир, дастурий ғояларига мос эканлигидан келиб чиқиб, барча партия ташкилотларига Президентимиз ифода этган қоида ва хулосаларни қўллаб-қувватлашни таклиф қилди. Шу муносабат билан, Сиёсий ижроқўм мамлакатимиз раҳбарининг МДҲ мамлакатлари ўртасидаги интеграция масаласида тутган йўлини маъқуллашга бағишланган тадбирларни партиямиз тузилмаларининг барча бўғинларида ўтказишни давом эттириш, унинг мазмун-моҳиятини ХДП аъзоларига, барча фуқароларга ҳар томонлама тушунтиришни кенг йўлга қўйишни тавсия этди.

Маҳаллий партия ташкилотларимиз, Сиёсий ижроқўм кўрсатмалари асосида, оммавий-сиёсий ишларни авж олдириб юборишдилар. Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман партия кенгашлари бошланғич партия ташкилотларининг бу борадаги вазифаларини белгилаб чиқдилар. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашларининг пленумлари, ижроия бюроларининг кенгайтирилган мажлислари, бошланғич партия ташкилотларида очиқ йиғилишлар уюшқоқлик билан ўтказилди ва ўтказилмоқда. Биргина Фарғона вилоятида бошланғич партия ташкилотлари шу масала бўйича 500 дан ортиқ йиғилишлар ўтказдилар. 150 дан ортиқ ХДП аъзолари ва партиясизлар қатнашган Сирдарё вилоятидаги «Синдор-обод» жамоа хўжалиги партия ташкилоти йиғилишида собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон халқларининг манфаатларига асло мос келмаслиги, ижтимоий, сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқлардан воз кечиш асло мумкин эмаслиги қайд этилди. Олимлар, ёзувчилар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, партия фаолларидан иборат таргиботташвиқот гуруҳлари таркиби қайта кўриб чиқилиб, улар аниқ дастур асосида жойларга юборилди. Вилоятлар, шаҳар ва туман партия кенгашларининг сайланма органлари аъзолари Россия Давлат Думасининг юқоридаги қарорлари қабул қилинишидан кўзда тутилган асл мақсадни, уларнинг тажовузкорлик моҳиятини, Ўзбекистон раҳбарининг интеграция масалаларига ёндашуви аҳамиятини тушунтириш учун партия ташкилотларига бириктириб қўйилди. Бу ишга ХДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар жалб қилинди.

Шу кунларда аҳоли истиқомат жойларида, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида учрашувлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, ягона сиёсий кунлар, маърифат кечалари, илмий-амалий анжуманлар, сиёсий клубларнинг махсус мажлислари ташкил этиляпти. Масалан, Сирғали туман кенгашида «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ғояси — ҳамкорлигимиз негизи» мавзуида анжуман бўлди. Унда мамлакатимиздаги бошқа партияларнинг вакиллари, «Халқ бирлиги» жамоатчилик ҳаракати, миллий-маданий марказларнинг намояндалари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Фахрийлар кенгаши фаоллари ҳам қатнашдилар.

Яна шу нарса ҳам диққатга сазоворки, маҳаллий кенгашларимиз умумхалқ байрам ва тантаналарда, масалан, Фарғона вилоятида бўлгани каби, Наврўз шодиёнасида йиғилганлар эътиборини шу масалага қаратяптилар. Ушбу тадбирларда партиямиз аъзолари, фуқаролар Россия Давлат Думаси қарорининг мустақил Ўзбекистон Республикаси учун ҳеч қандай дахли йўқлигини, янги, ёш мустақил давлатимиз қарийб беш йил давомида одимлаётган йўл унинг ўзи танлаган тараққиёт йўли эканлигини, она-Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамияти, турли халқаро ташкилотларга тўлақонли аъзо бўлганлигидан фахрланаётганликларини изҳор қилишмоқда. Жойларда Президентимиз олиб бораётган халқчил сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қўллаб-қувватланиб, юртимизда адолатли жамият, демократик давлат пойдевори яратилаётганлиги алоҳида таъкидланмоқда. Бундай тадбирларнинг аксарияти, Президент сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар, туман аҳолиси ва меҳнат жамоасига мурожаатнома қабул қилиш, И. А. Каримов номига, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига, газета ва журналларнинг таҳририятларига хат ва телеграммалар юбориш билан якунланяпти.

«Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти, — дейилди ХДП республика кенгашининг XI пленумида, — бозор муносабатларига йўналтирилган одил, фуқаролик жамияти, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш бўйича юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ички ва ташқи сиёсатни тўлалигича маъқуллайди. Мустақил Ўзбекистон мамлакатининг, унинг фуқаролари манфаатларига, барча миллатлар дўстлигига, осойишталигига, соғлом тинч турмушига зид келадиган ҳар қандай кучга бир жон, бир тан бўлиб жавоб беришга тайёрмиз».

Республика кенгашининг ташаббуси билан маҳаллий телевидениеда давра суҳбати ўтказилиб, унда партиямиз аъзолари фаол иштирок этдилар. Андижон вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р. Мухторов вилоят телевидениесига берган интервьюси ҳам мазкур мавзуга бағишланди. Умуман олганда, маҳаллий партия кенгашларининг оммавий ахборот воситаларидан, радио ва телевидение имкониятларидан самарали фойдаланиб, партиямизнинг мазкур масалага нисбатан Нуқтаи назарини кенг тарғиб этишга, республика раҳбариятининг тутган қатъий йўлини турли воситалар ёрдамида тушунтиришга интилаётганликларини қайд этиб ўтиш лозим. Бу ўринда, чунончи, Хоразм вилоят партия ташкилоти фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Вилоятдаги кўплаб клуб муассасаларида Ўзбекистон раҳбариятининг Россия Давлат Думасининг 15 мартдаги қарори муносабати билан қабул қилган расмий ва бошқа ҳужжатлардан иборат кўргазмалар ташкил қилинди.

— Мен кўп йиллардан бери «Чирчиқсельмаш» ҳиссадорлик жамиятида ишлайман, — дейди шу корхона техник назорат бўлими назоратчиси, бошланғич партия ташкилоти котиби Х. Қодиров. — Меҳнат жамоамиз кўп миллатли. Биз кишиларни ҳеч қачон милларга қараб ажратмаганмиз. Ҳозир ҳам, аввалгидек, бизда самимий, дўстона, ишчан муҳит ҳукмрон. Шу боис хилма-хил сиёсий ўйинларга қўшилмаймиз. Россиядаги айрим кимсалар биз ҳақимизда «жон куйдирмай» қўя қолсинлар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари замирида нималар яширинганини яхши биламиз.

Биз, ишчилар, ўз келажагимизни белгилашда мустақиллик ва эркинлик қадрини чуқур тушунамиз. 1991 йилдан кейинги йиллар тўғри йўлдан оғишмай кетаётганлигимизни яққол исботлади. Биз халқимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш ва эркин, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш мақсадида танлаган йўлига қатъий ишонамиз.

Унинг сўзларига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки, котиб ХДП ҳар бир аъзоси ва Ватанимиз ҳар бир фуқаросининг дилидаги эзгу истаклари, порлоқ истиқболга бўлган иймон-эътиқодини ифодалаган эди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан 12 апрель кунидаги учрашувда сўзлаган нутқида юқорида тилга олинган жараёнларга республика раҳбарияти ва кенг жамоатчилигининг муносабати яна бир бор қатъий таъкидланди.

Партиямиз ташкилотларининг бугунги кундаги энг муҳим, долзарб вазифаси — халқимизга мустақиллигимизнинг ҳар биримиз, барча ватандошларимиз учун тақдириломон аҳамиятини изчил тушунтириб боришдан иборатдир.

Ҳабибулла АВЕЗОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби.



«Бекободцемент»корхонаси бугунги кунда мамлакат қурилиш индустриясининг йирик ўчоқларидан биридир.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, унинг ер ости ва устки бойликлари ҳам мустақиллик учун хизмат қила бошлади. Айни пайтда мамлакатимизнинг беқиёс хом ашё бойликларидан унумли фойдаланиш йўлида катта саъй-ҳаракатлар қилиняпти. Бу соҳада республикамиздаги йирик — «Ўзолмосолтин» давлат уюшмаси қандай тадбирларни амалга оширмоқда? Уюшма раиси Шавкат НАЖИМОВ шу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

Яккама - якка

— Жаҳонда бизнинг заминимизчалик бойликка, минерал хом ашё ва бошқа қуплаб ресурсларга эга бўлган давлат кам топилади. — Лекин собиқ Иттифоқ даврида бу ресурслар халқимиз учун эмас, балки СССР деб номланган «умумий қозон» манфаатлари учун хизмат қилди. Ўша пайтда собиқ Иттифоқнинг ўрта машинасозлик вазирлиги республикамиз заминидан қанча олтин, бошқа қиммат баҳо ва стратегик металларни сўраб олганини ҳамда улар қаерга ишлатилгани, бундан қандай катта фойда олинганини юртимизда деярли ҳеч ким, шу жумладан раҳбарлар ҳам билмас эди. Истиқлолга эришганимиздан кейин шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистон валюта олтини ишлаб чиқариш бўйича СССР таркибида Россиядан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турган экан.

Куни кеча мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан бўлган учрашувда тўғри таъкидлаганларидек, ўша пайтда Ўзбекистон бунинг эвазига 30-40 фоиз дотация асосидаги давлат бюджетига ҳамда собиқ Иттифоқдаги энг паст турмуш даражасига эга бўлди. Бунинг устига халқимизни боқимандаликда айиблашди.

Хайриятки, мустақилликни қўлга киритдик. Ер ости ва устки бойликлардан ҳам ўзимиз самарали фойдаланишни йўлга қўйдик. Бугунга келиб Ўзбекистоннинг минерал хом ашё ресурслари ўзаро манфаатдорлик асосида биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган дунёнинг машҳур компания ва банкларнинг эътиборини жалб этмоқда.

«Ўзолмосолтин» уюшмаси шуни ҳисобга олиб кейинги йилларда хорижий шериклар билан алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, Тошкент атрофи ва Самарқанд ҳудудий зоналаридаги олтин конларида хом ашёни қайта ишлаш масаласида Австралиянинг «Вестерн Майнинг», Япониянинг «Мицуи», АҚШнинг «Ньюмонт» компаниялари билан ҳамкорлик қилиняпти.

Утган йил июнь ойида уюшмага қарашли Бурчмулла олмос заводи қошида Бельгиянинг «Коминко» фирмаси билан биргаликда «Туркистон—Олмос» қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу корхонани молиявий жиҳатдан юз фоиз чет эллик сармоядор таъминлайдиган бўлди. Ҳозирги пайтда эса мамлакат тоғ-кон саноатига хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш мақсадида республика ҳукумати қарорига биноан Тошкент ва Самарқанд атрофи ҳудудларида олтин конларини ўзлаштириш бўйича етакчи чет эл фирмалари ўртасида тендер эълон қилинган. Ушбу тендерда ғолиб чиққан хорижий сармоядор билан қўшма корхона барпо этиш кўзда тутиляпти. Бу лойиҳаларнинг ҳар бири 170—200 миллион АҚШ доллари ҳисобида баҳоланмоқда. Исроил, Малайзия фирмалари билан ҳам ҳамкорлик қилиш ниятиламиз.

Албатта, ички имкониятлар ҳам унутилаётгани йўқ. Уюшма корхоналарида янги технологияларни жорий этиш, хом ашёни қайта ишлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шунинг натижасида, утган йили болтургига нисбатан 3,5 фоиз кўп ер ости бойликлари қазиб олинди. Истиқболда эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ошади. Хулас, бугунги кунда ишонч билан айтишимиз мумкинки, уюшмамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган олтин ва бошқа қиммат баҳо металлар мустақил мамлакатимиз тараққиётига, келажагига хизмат қилмоқда.

А. БОЛИЕВ ёзиб олди.

Халқ айтгани ҳақ чиқар

Дил изҳори

ҚАДАМИДА ГУЛ УНГАН

Иброҳимда деҳқончиликка, айниқса гулчиликка бўлган ҳавас жуда ёшлигида уйғонди. У қўлига кетмон олиб отасига ёрдамлашарди. Иброҳим Рўзметов ўзи туғилиб ўсган Хоразм вилоятининг Хонқа қишлоғидаги ўрта мактабнинг 10-синфини тамомлаб, тўғри Самарқанд шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтига келиб агрономлик факультетига ўқишга киради. Институтни 1960 йилда аъло баҳолар билан тугатди. Тақсимлов комиссияси унга Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш ишлари учун шаҳар кўкаламзорлаштириш идорасига ишга юборди.

Идоранинг ўша йиллардаги бошлиғи Ҳамид Эргашев уни агрономликка ишга қабул қилди. И. Рўзметов институтда олган билимини ишлаб чиқаришда амалга ошириш учун енг шимариб ишга тушиб кетди. Корхона кўчатхонасидаги гулларнинг турларини кўпайтириш, корхона иқтисодини кўтариш мақсадида қўшимча кўчатлар экиш ишларини ташкил этди. Иброҳим Рўзметов собиқ Иттифоқнинг катта-катта шаҳарларидаги кутубхоналарга хат ёзиб, у ердан кўчат ва гулчилик ҳақидаги адабиётларни олди.

Ёш ходимнинг тиниб-тинчимаслигини кўрган корхона раҳбарияти уни 1961 йилда бош агрономлик вазифасига ўтказди. У бу вазифада 1966 йилгача меҳнат қилди. Дастлабки даврларда корхона территориясидаги гул етиштирадиган иссиқхона майдони 0,10 гектарни ташкил этган бўлса, бош агрономнинг ташаббуси билан бу майдон беш баравар кенгайди. Кўчатхонанинг майдони бир гектардан оширилди. Илгарилари фақат давлат ғазнасидан пул олиб ишлаб келаётган бу корхона эндиликда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлабгина қолмай каттагина фойда ҳам ола бошлади.

Сўнг Урганч шаҳрига отасининг олдига кўчиб келди. У фирқа ҳисобига туриш учун Урганч шаҳар фирқа қўмитасига кирди. Унинг таржимаи ҳоли ва иш фаолиятидан хабар топган фирқа қўмитаси уни Урганч шаҳар кўкаламзорлаштириш идорасига бошлиқ этиб тайинлашни шаҳар ижроия қўмитасига тавсия этди. Бу пайтлари Урганч шаҳридаги кўкаламзорлаштириш идорасидаги ишлар бирмунча оқсаётган эди. Республикамизнинг бошқа вилоятларидан ўша пайтда танқис бўлган чинор, мажнунтол, оқ қайин, оддий каштан каби дарахт кўчатларини олиб келиб кўчатхонада кўпайтирди. Гулларнинг ҳам хилма-хил турларини ўстирди. И. Рўзметов корхона раҳбарлигида узлуксиз 13 йил ишлади.

Бу пайтларга келиб Самарқанд шаҳар кўкаламзорлаштириш идораси яна оқсаб қолди. И. Рўзметовнинг ишбилармонлигини яхши билган республика Коммунал хўжалиги вазирлиги уни 1979 йилда Урганч шаҳар кўкаламзорлаштириш идорасидан Самарқанд шаҳар кўкаламзорлаштириш идорасига ишга — раҳбарлик лавозимига ўтказди. У яна ўзининг жонажон ишхонасига қайтиб келди. Бу ердаги шароит унга яхши таниш эди. Кадрларнинг кўпчилиги ҳали ишни давом эттиришарди. Жамоа Рўзметовни мамнуният билан кутиб олди. Самарқанд шаҳрининг энг гўзал майдонларида, манзарали дарахтлар ва гулзорларда сўзсиз Иброҳим Рўзметовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У Самарқанд ва Урганч шаҳарларини гулларга буркаш, кўкаламзорлаштириш учун узлуксиз 28 йил меҳнат қилди.

И. Рўзметов 1988 йилда Самарқанд вилоят ўрмон хўжалик бошқармасининг қишлоқ хўжалик бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Мана, саккиз йилдирки, Иброҳим ака Рўзметов ўрмон хўжалиги корхоналарида ёрдамчи хўжаликни, яъни, мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, бозор иқтисодиёти кечаётган шу кезларда ходимларни қўллаб-қувватлаш учун меҳнат қилмоқда. Иброҳим ака Рўзметов тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

Иноят НЕЪМАТОВ,
ўрмон хўжалиги фахрийси.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА жавоб берадилар

«ЧОРРАҲАДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР»

(«Ўзбекистон овози» 1996 йил, 29 февраль)

Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарияти томонидан «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 26-сонидаги «Чорраҳадаги чалкашликлар» сарлавҳали мақолани бошқармага қарашли саройларда, хизматдаги ҳайдовчилар ва таъмирловчи хизматчилар иштирокида атрофлича таҳлил қилинди.

Ҳақиқатдан ҳам, мақолада кўрсатилган трамвай-троллейбуслар контакт симларининг узилишлари ва чорраҳалардаги симларнинг бир-бири билан кесишадиган механизмларида троллейбусларнинг штангалари чиқиб кетиши ва бунинг оқибатида йўл ҳаракатининг бузилишлари ўринли танқидга олинган.

Бугунги кунда А. Навоий, Ш. Рашидов, У. Юсупов, А. Қодирий кўчалари чорраҳаларида ҳамда «Ўрда» чорраҳасида контакт симлари ва механизмлари алмаштирилиб, жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Узилишларнинг олдини олиш мақсадида ҳайдовчилар ўртасида қўшимча йўриқнома ўтказилди.

Бундан ташқари, «Ўрда» чорраҳасини доимий назорат остига олиш мақсадида ҳаракат тафтишчиси ва энергия хўжалигига таъмирловчилар автомашинаси бириктирилди.

Юқорида кўрсатилган чорраҳаларда электр транспорт ишини мунтазам таъминлаш учун шахсан жавобгарлик энергия хўжалиги бошлиғи Г. Тен ва бошқарма ҳаракат хавфсизлиги бўлимининг бошлиғи вазифасини бажарувчи Ж. Маматов зиммаларига юкланди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» бошқаруви раиси
Р. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

«БОЛЬШЕВИЗМ БАЛОСИ»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил 12 март)

Сирдарё вилоят ҳокимлиги шуни маълум қиладики, юқоридаги сарлавҳали мақола 1996 йил 15 март куни вилоят ҳокими ҳузуридаги маслаҳат кенгаши йиғилишида кўриб чиқилди ва мақолада ёритилган камчиликлар асосан тўғри, деб топилди.

Мақолада муаллиф кўтарган масала юзасидан вилоятда 1996 йилнинг 1 январига қадар 3 туман, 14 қишлоқ ва посёлка кенгашлари, 16 жамоа хўжалиги, 22 давлат хўжаликларининг номлари ўзгартирилиб уларга тааллуқли бўлган 39 та қарор қабул қилинган. Эски номларни ўзгартириш ишлари ҳали ҳам давом этмоқда.

Киров каналининг номини ўзгартириш масаласи бўйича 1994 йил май ойида вилоят ҳокимининг имзоси билан 1/01-233 рақамли хат орқали Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Республика Атамалар қўмитасига мурожаат қилинган ва 1994 йил 1 июнда 14/88-134 рақамли хат билан рад жавоби олинган.

Канал қўшни республикалар ҳудудидан ўтишини ҳисобга олган ҳолда унга бир ном қўйиш лозим деб топилди ва ҳозирги кунда шу масала устида иш олиб борилмоқда.

Ленин бюсти Навоий шоҳ кўчасидаги ўлкашунослик тарихий музейи олдида сақланиб қолган эди. Ҳозирги кунда у жойдан ҳам олиб ташланди.

Маслаҳат кенгашида вилоят ҳокимлигининг бошқарма, бўлим, қўмиталари, туман ва шаҳар ҳокимликларига бир ой муддат ичида ўз ҳудудларида «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жуғрофий, геологик ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги «Низом»га асосан жойларда номларни ўзгартириш лозим бўлган ҳолда қайта кўриб чиқиш борасида чора-тадбирлар белгилаш топширилди.

Кўча, хиёбон ва майдонларни давр талабига мос янги шиорлар ва паннолар билан безаш, номларни ўзгартириш ишларига алоҳида эътиборни қаратиш лозимлиги яна бир бор уқтирилди.

Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосари С. УСМОНОВ.

Газетхон миннатдорлиги

Умрим меҳнат билан ўтди. Отам — Жўраполвон 30 йил, ўзим 40 йил жамоа хўжалигига раҳбарлик қилдик. Деҳқончилик ишларини ривож топтиришга ҳисса қўшдик. Фурсат етиб нафақага чиқдим. Кексайганимда бир кўзим хиралашиб қолди. Кўнглим хижил бўлиб Тошкентга отландим. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Б. Ниёзматов қабул қилди. Истиқлолдан кейин юртимизда тиббиёт соҳасидаги илгарилашларни айтиб, 1-ТошМИ клиникасида даволанишимга кўмаклашди. Бу шифохонада бир ой давомидаги муолажада мустақил мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасидаги эришган ютуқларининг шоҳиди бўлдим. Замонавий даволашнинг нафини ҳис қилдим.

Мендек кекса кишини клиника бош ҳакими Ҳусниддин Насриддинов илиқ қабул қилди. Кўнглимни кўтарди. 1-ТошМИ кўз касалликлари кафедраси мудири, профессор Алишер Худойбердиев, клиника кўз касалликлари бўлими мудири Феруза Ўрмоновалар жарроҳлик йўли билан кўзимга нур бахш этдилар. Кўнглим хурсандчиликка тўлди.

Клиникадаги Сурайёхон Бўрихўжаева бошчилик қилаётган физиотерапия бўлимининг шифокорлари саломатлигимни мустаҳкамлаш учун катта ёрдам кўрсатдилар. Уларнинг кўмагидан хурсанд бўлиб хонадонимга хушнуд қайтдим. Инсонга эътиборли, қўли енгил, ширинсухан шифокорлардан ҳамиша миннатдорман.

Холмамат ЖЎРАЕВ,
Андижон вилояти,
Булоқбоши тумани.

Таҳрирсиз хат

ҚАЧОНГАЧА ПОЧТАГА ҚАТНАЙМИЗ?

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Дардимни айтмасам, бўлмайдиган кўринади. Уч ойлаб нафақамизни ололмаймиз. Жамоа хўжаликларидан нафақа олувчилар ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар йиллаб ҳақларини ололмаяптилар. Бир пайтлар дўконларда ёғ, совун, ун, чой каби рўзғор учун биринчи навбатдаги маҳсулотлар нақд бўлиб, талонларимизга бемалол олардик. Энди нима бўляпти? Эркин нарх, сотувчилар эса билганларини қилишади. Уннинг қопини қимматроқ пуллаб туришибди. Уларни текшириб, танобларини тортиб қўядиганлар борми ўзи? Юртбошимиз айтганларидек, саккиз турдаги маҳсулот дўконларда бисёр бўлсинда.

Қизиғи шундаки, нафақа олиш учун тонг саҳардан почтага отланиб, тушликдан кейин пулсиз уйга қайтишга тўғри келяпти.

Ўктам ХОЛМУРОДОВ,
Пастдарғом тумани.

КЎЗГА НУР ШИФОКОРЛАР

ЯНА 40 КУН АТАЛА ИЧИБ ЮРМА...

Нажим полвон Ургутдаги Чэп қишлоғида яшайди. Айтишларича, ҳозиргача унинг қураги ерга тегмаган. Қария ҳамон тетик ва бардам. Зеро, шунча қувват билан ўртамиёна ҳаёт кечиради. Сартарошлик, деҳқончилик билан шуғулланади. Керагида овқатни ўзи ҳам пишириб кетаверади. Қўлидан ҳамма иш келади, деса бўлади.

— Уруш йиллари қишлоғимизда очарчилик бўлганди, деб эслайди Нажим полвон. — Ўшанда 17 ёшда эдим. Бир куни тенгдошларим билан кетаётиб, дўкондор қўшнимизнинг сўзидан таъсирландим. У кимда-ким кўчада ётган 250 килограммли тегирмон тошни йўл четига чиқариб қўйса, битта нон бераман, деб қолди. Рости қорним очқаб турганди. Аввалига ҳамроҳларим уририб, эплолмай четга чиқишди. Шунда тошни забт кутардиму четга суриб қўйдим.

Чэпда яна бир гап бор. Мабодо эркаклар тортишиб қолгудек бўлса, ўзаро: «Нажим полвонга айтаман, бир урса борми, хотининг оғзингга 40 кун атала тутиб турадиларми», деб қўрқитишади...

Ф. ИСҲОҚ ўғли.

Мухбиримиз бонг уради

ПИЛЛА МАВСУМИ АЛДОВ МАВСУМИ БЎЛМАСИН

Ипак қурти боқиш мавсуми яқинлашди дегунча Бухоро вилоятидаги кўпчилик хўжаликлар раҳбарларининг эти увишадиган бўлиб қолмоқда. Ахир, жонлантирилган уруғ кўтариб бу йил ҳам эшикма-эшик юришса, бебурдликлари аён бўлади-да. Алдаб-аврашнинг ҳам чеки бор-ку?!

— Ҳар бир мавсумни ўзим учун синов деб биламан, — дейди Ромитан тумани бош пиллахонаси директори Шарофат Муҳиддинова. — Суягим шу соҳада қотгани учунми ҳамма дашномларга чидайман. Бир амаллаб қуртни звеноларга топшириб келяпмиз. Бунинг устига ихтиёримиз ўзимизда эмас. Шу боис етиштирган маҳсулотимизни вақтида сотолмаймиз.

Шарофат Жамолиддиновна соҳадаги қусурларни ипидан-игнасигача билади. Буни звено бошлиқларигача тушунтиришга қодир. Аммо, бу билан иш битармиди? Ахир, сердаромад соҳа зарарга юз тутса, пилла қадрини йўқотиб, шу боис пиллачи йиллаб ҳақини нақд пулда ололмаса тарғиботга ҳожат борми?

Бултур ҳам минг машаққат билан 1745 звенода 4200 қути ипак қурти боқилди. Ҳар қутисидан 42,1 килограммдан, жами 176,8 тонна «кумуш тола» олинди. Режадагидан 26,8 тонна кўп ҳосил олинган бўлса, у ҳозиргача харидорини кутиб ётибди. 1994 йилги ҳосил фойдасидан бултур пиллачиларга 1 миллион 300 минг сўм пул аванс тариқасида берилганига роппа-роса бир йил бўлди. Ҳозир жамоа хўжаликларидан бош пиллахона уч миллион 300 минг сўм қарздорлиги ташвишли ҳол эмасми?

— Мана шу қопларга жойланган 65 тонна қуруқ ҳолдаги пилланинг килосини 137 сўмдан сотсак, — дейди опа, — саккиз миллион 500 минг сўм бўларди. Афсуски, улгура олмадик. Шу томондан тилимиз анча қисиқ.

Опа жорий йилда 150 тонна пилла етиштириш учун хўжаликлар билан шартнома тузилганлигини таъкидларкан, ҳали уларга аванс берилмаганлигидан ўксинди. Пиллачилигимиз истиқболи ҳақида гапиришни эса лозим кўрмади.

Пешкуликлар ўтган йил 207 тонна пилла етиштириб, ромитанликлардан анча устун бўлсаларда, уларда ҳам қуруқ пилла ғарамлари савдоси очилмай турибди. Қуритилган 75 тонна пилла «қариб» боряпти.

— Қани эди пилламизни сотсак, — дейди туман бош пиллахонаси директори Маҳмуд Фозилов. — Ўн миллион сўм атрофидаги пул чўнтагимизда бўларди. Бу билан хўжаликлардаги 4,5 миллион сўм қарзни ҳам осон узардик, тилимиз ҳам, қўлимиз ҳам узун бўларди.

Ҳа, ҳозирча бу хом хаёл, пилла эса бостирмалар остида турибди. Бунинг устига мавсум яқин. Хўжаликлар билан тузилган шартномага кўра туманда бу йил 185 тонна пилла етиштирилиши лозим. Звеноларга тарқатиш учун ўн тонна қоғоз даркор. Баҳор кеч келиши, 14 гектар тутзорнинг бузилиши, айрим зарурий ашёларнинг етишмаслигини айтмасак ҳам бўлади. Хуллас, муаммо устига муаммо.

Суҳбатимизни вилоят пиллачилик кенгашининг бош агрономи Ахтам Худойбердиев билан давом эттирганимизда соҳадаги қусурлар анча ойдинлашди.

— Пиллачилик сердаромад соҳалигига ҳеч қандай шубҳам йўқ, — дейди у. — Фақат унга эътибор керак. Уруғчиликни яхшилаш лозим. Шу соҳада ишлаётганимга бир неча йиллар бўлди. Фақат бизнинг вилоятда эмас, балки мамлакатимизда пилланинг «Тетрагибрид — 3» нави эскирган. Чамамда ўттиз йилдан буён шу уруғ билан муомала қиламиз. Ипакчанлиги узун бўлган навларни жорий қилиш вақти келди. Бундан ташқари, шартномани пиллачи билан тузиш, звенолар билан ҳисоб-китобни йўлга қўйиш керак. Биздан пул хўжаликка кўчирилади, хўжалик эса шу пулни бошқа мақсадда ишлатиши аниқ. Звеноларга нақд пул билан эмас, балки маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилинаётгани ҳам эътирозларга сабаб бўляпти.

***МУХБИР ШАРҲИ:** Ҳақиқатан ҳам шундай! Бултур пилла етиштириш билан машғул бўлган 45 минг кишига — звеноларга тайёрланган хом ашё учун 83 миллион сўм даромад ҳақи тўланиши кўзда тутилган эди. Шундан ҳозиргача қарийб 70 миллион сўмлик ун, ёғ ва бошқа маҳсулотлар берилганмиш. 800 тонна қуритилган пилланинг катта қисми сотилгани йўқ. Пилла звеноларига эса бир килограмм хўл пилла етиштириб бергани учун ўртача 37 сўмдан тўланган. Вилоят бўйича қуритилган пилла сотилганда 109,6 миллион сўм бўларди. Аммо пилла жаҳон бозори талабларига жавоб бермаслиги, рақобатбардошлиги камлиги, сифати пастлиги, таннархи юқорилиги туфайли туриб қоляпти.*

Яна шуни таъкидлаш керакки, йўл, транспорт харажатларининг ошиб кетганлиги сабабли Бухоро пилласига харидор келмаяпти. Бунинг устига икки йилдирки, енгил саноат тармоқлари, «Ипакчи» ҳиссадорлик жамияти бутунлай алоқани узиб қўйдилар. Четдан келаётган фирма вакиллари кўпроқ ипак калаваларга хуштор. Буни тайёрлашга эса ускуналар яроқсиз.

Харидоргир пилла етиштиришга эришиш учун аввало республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ипак ишлаб чиқариш мажмуида интеграциялаш жараёнларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қатъий амал қилиш зарурлигини соҳа мутасаддилари унутмасликлари керак. Афсуски, вилоятда ҳамон эски усулда қурт боқиш, моддий базани мустаҳкамлаш ўрнига бузиш ҳоллари давом этяпти. Биргина бултур бир миллион 345 минг туп баланд бўйли тут дарахтлари қўпорилган. Шу йилнинг 4 ойида 63 гектар тутзор бузилган. Хусусан, Гиждувон, Шофиркон, Ромитан, Вобкент туманларида тутзорлар аёвсиз равишда кесиб ташланмоқда. Ахир, бу билан жорий йилда 1998 тонна пилла етиштириб бўладими?! Масъулиятсизлик ҳам эви билан-да! Гапнинг лўндаси шуки пилла мавсуми Бухорода яна алдов мавсуми бўлиб қолмасин!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

ИШТИЁҚ БОРУ ТАЖРИБА ЕТИШМАЯПТИ

Маълумки, шу йилнинг 17 январида Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Хўш, бу қарор жойларда ҳаётга қандай татбиқ этиляпти? Биз шуни ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар кўлами билан танишдик.

Мазкур қарорга кўра, юртимиздаги барча ўйингоҳларда 1 апрелга қадар таъмирлаш ишларининг биринчи навбати якунланиши керак эди. Хусусан, футбол майдонларининг чимини кўчириш, дренажлар қазиш, замонавий иситиш ва автоматик суғориш мосламаларини ўрнатиш, янгидан майса кўкартириш ё чим қоплаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шу мақсад учун давлат бюджетидан 120 миллион сўм ажратилган. Самарқандликлар бу маблағнинг бор-йўғи ўн миллионини қабул қилишган. Лекин «Динамо» ўйингоҳида бу борадаги ишларга қўл урилмаяпти. Футбол майдони шундайлигича турибди. Фақат ўриндиқлар ва ўқув машғулотлар базасида бўяш, созлаш ишлари бордек. Ваҳоланки, биринчи навбатда футбол майдони янгиланиши лозим эди.

Зеро, «Динамо» футбол майдонини жаҳон андозасига мослашнинг ўзига хос муаммолари бор. У ҳам бўлса, майдоннинг ёнгинасидан, ўйингоҳ ичидан «Сиёбча» канали оқади. Бу ўз навбатида автоматик иситишнинг, суғориш, дренажлар ўрнатиш ишларида бирмунча қийинчилик туғдириши табиий. Аммо бажариладиган ишларнинг кўлами катталигига қарамай, пудратчи ташкилот — «Вилоятсувқурилиш» трести майдонни янгилаш ва таъмирлашни учинчи навбат режасига киритганига ҳайронмиз.

Лойиҳа бўйича келгусида ўйингоҳ 25 минг томошабинни ўз бағрига оладиган бўлиши керак. Албатта, бу 1997 йилгача қилинадиган ишлар режаси. Шу кунгача амалга ошириладиган умумий иш ҳажми эса 9,4 миллион сўмга тенг. Биринчи навбат бўйича яна 3,5 миллион сўмлик иш бажариш кўзда тутилган. Шарқий ва шимолий ўриндиқларда қурилиш ишлари ёз бўйи давом эттирилиб, Мустақиллик байрами арафасида якунланади. Учинчи навбат ишлари эса мавсум охирида бошланади.

Хўш, «Динамо» клубини профессионал асосда қайта шакллантириш ишлари қандай олиб борилмоқда? Клубнинг намунавий низоми ишлаб чиқилган. Таъсис конференцияси ўтказилиб, клубнинг таъсисчилари тасдиқланган. Клубга 22 та ташкилот ҳомийлик қилиши белгиланган. Клубнинг Низом жамғармаси 20 миллион сўмни ташкил этади. 19 футболчи билан шартнома тузилиб (3 киши 2 йилга, 16 киши 1 йилга) ҳужжати тасдиқланган. Клуб ўз рамзига эга. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан «Динамо» клуби қошида 2 та заҳира жамоасини ташкил қилиш бўйича шартнома тузилган. Бир қарашда ишлар жойидагидек. Лекин...

25 мартга қадар клуб ҳисоб рақамига таъсисчилар томонидан белгиланган 20 млн. сўм ўрнига 5 млн. 150 минг сўм келиб тушди. Профессионал клуби тизимида иш билмаган киши бу маблағни етарли деб ўйлаши мумкин. «Динамо» маъмурияти ҳам шундай фикрлаб, иш юритяпти. Маблағдан кийим, тўп, спорт анжомлари ва жамоанинг бошқа юмушларига ишлатяпти. Низомга кўра маблағ бугунги харажатларга эмас, балки футбол тараққиёти учун сарфланиши лозим. Кейин маош, сафар ўйинларига харажатлар нима бўлади. Самарқандга келганимизда клуб ҳисоб рақамига ҳомийлар томонидан бир сўм ҳам ўтказилмаган экан. Қайтаётганимизда — Самарқанд чой-қадоқлаш фабрикасидан 2 млн. ва бир муҳлисдан 1000 сўм тушганини айтишди. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасидаги йиғилишда ҳам текширув комиссиялари аъзолари ҳомийлар фаоллиги сезилмаётганлигини таъкидлашди.

— «Бизда ҳамма ишлар режа асосида олиб бориляпти, лекин профессионал клублар тизимига ўтиш юзасидан тажрибамиз йўқлиги туфайли баъзи ишларда мутахассисларга эҳтиёж туғиляпти, — дейди «Динамо» клубининг президенти, Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров. Клуб президенти тўғри таъкидлади. Жойларда футболимизнинг юртимиз нуфузига мос бўлиши учун катта ишлар амалга ошириляпти. Бу борада хоҳиш-истак кучлилиги сезилиб турибди. Биз футболда улкан режа ва мақсадни олдимизга қўйган эканмиз, республика Футбол федерацияси ўз ходимларини тез-тез жойларга юбориб турса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бизни қувонтиргани шу бўлдики, «Динамо» стадиони ёнида «Динамо» фабрикаси бўлиб, вилоят маъмурияти корхонани клуб ихтиёрига ўтказишни режалаштираётган экан. Буни иш юритиш деса бўлади. Чунки, клуб ўз Низом жамғармасидаги маблағни ана шу фабрикага, яъни ишлаб чиқаришга сарфлаб, фойда олиш имкониятига эга бўлади. Бундай тажрибани кенг оммалаштириш лозим, деб ўйлаймиз.

Вилоятда 1100 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларнинг барчасида футбол майдонлари бўлиши йўлида ишлар олиб бориляпти. Тойлоқ туманида эса мактаблар қатори ҳар бир хўжаликда ҳам ўйингоҳ қуришга эътибор катта. Жумладан, «Жумабозор» ижара хўжалигида 45 кунда ҳашар йўли билан ўйингоҳ барпо этилган. Амир Темур номли ижара хўжалигида ҳам шу йўл билан қурилиш ишлари авжига чиққан.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришга ҳам алоҳида урғу берилган. Ҳозир Самарқанд, Пойариқ, Жомбой, Иштиҳон туманларида ихтисослашган футбол мактаби ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тизимида 18 та футбол бўлимлари бор. Ўқув-машғулотларига 140 нафар мураббий жалб этилган. 514 киши футбол билан шуғулланади. Самарқанд шаҳрида эса интернат-мактаб ташкил этилади.

Хулоса қилиб айтганда, қарор ижросини таъминлаш ишлари кўнгилдагидек эмас. Таъмирлаш ишларида сусткашлик бор. Футбол мавсуми эшик қоқмоқда. Профессионал клубларни ташкил этишдаги тажрибасизлик панд беряпти. Самарқандликларнинг мавжуд камчиликларни бартараф этиши футболимиз нуфузини янада ошириш йўлида умидворлик уйғотади.

Расул ЖУМАЕВ.

Шарҳловчи минбари

ХАЛҚ ЎЗИ ИШОНГАНЛАРНИ САЙЛАЙДИ

ёки Ҳиндистондаги бўлажак умумий сайловлар ҳақида

Маълумки, Ҳиндистон Республикаси жаҳонда аҳоли сони жиҳатидан Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Бу ерда ҳозир 925 миллион киши истиқомат қилмоқда. Яқинда ушбу мамлакатда парламент сайловларини ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди. Умумий сайловлар шу йил 27 апреллдан 21 майгача барча штатларда ўтказиладиган бўлди. Бўлажак сайловларда қарийб 500 миллион сайловчи иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Сайлов арафасида махсус комиссия Ҳиндистондаги барча сиёсий партиялар ва расмий вакиллар билан марказий ҳамда штатлар даражасида маслаҳатлар ўтказиб олди. Шундан кейин 810 мингта сайлов участкаси ташкил этилди.

Умумий сайловлар 27 апрель куни дастлаб Ассама, Хариана, Химачал Прадеш, Керала, Панжоб, Чандигарх, Деҳли штатларида ўтказилади. 2 майдан бошлаб эса Аруначал Прадеш, Гоа, Мегалайя, Сикким ва бошқа ўнлаб штатларда давом эттирилади. Дарвоқе, Жамму ва Кашмир штатининг 6 округида ҳам икки босқичли сайловлар ўтказилади.

Сайловолди комиссияси раисининг баёнотига кўра, овозларни ҳисоблаш 1996 йил 8 майдан бошланади. Сайловда 18 ёшга етган Ҳиндистоннинг барча фуқаролари иштирок этиши мумкин. Ҳозирдан бошлаб мамлакат штатларида овоз бериш участкалари тайёргарлиги қайта кўриб чиқилмоқда. Айрим жойларда эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жамоатчилик тартибини сақлаш бўйича тегишли муҳофаза чораларини кўриб қўйишмоқда.

Маълумки, ўтган сайлов 1991 йили ўтказилган бўлиб, унда 514 миллиондан кўпроқ сайловчи қатнашган эди. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ҳиндистон фуқаролари мамлакат қуйи палатаси (Лок Сабха)га 543 нафар вакилни сайлашган эди. Аҳолининг сайловларда қатнашиш ўртача кўрсаткичи ўтган сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 56,5 фоизини ташкил этганди.

Ҳиндистонда кўппартиялийлик тизими асосида сайлов ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Партиялар ҳинд сиёсатида марказий ролни ҳам эгаллаб боришяпти. Маҳаллий органлар сайлов арафасида партияларни расман рўйхатдан ўтказишади. Сайлов комиссияси эса ҳар бир партияни таниш осон бўлиши учун тегишли рамзлар беради. Ҳиндистонда кейинги 10 марта ўтказилган сайловда Ҳиндистон Милий Конгресси (ҲМК) партияси вакиллари 8 марта муваффақиятга эришиб, сайловларда ғолиб чиққан эди. Фақат 1977 ва 1989 йилдаги сайловларда эса бошқа партиялар етакчиликни қўлга киритишганди. 1977 йилдан бери бу мамлакатда марказий ҳукумат сайловчилар хоҳиш-иродаси билан 4 марта ўзгартирилди. Ҳозирги пайтда сайлов комиссияси сайлов давомида турли хил суииъстемолликларга чек қўйиш мақсадида сиёсий партиялар ва номзодларнинг ўзини тутиш кодексини ишлаб чиқди. 1952 йилдан бошлаб Ҳиндистонда ўтказилаётган умумий сайловлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳинд халқи парламент демократияси сари дадил қадамлар ташламоқда. Бу йилги бўладиган сайловлар ҳам шуни ўзида акс эттириши табиийдир.

Аслиддин ОРТИҚ ўғли.

Дунё ўзгаришлари

ИСРОИЛ ҳарбий ҳаво кучлари Ливаннинг жанубий туманларини ракеталардан ўққа тутишни давом эттирмоқда. Маълумки, Исроил Ливаннинг ушбу ҳудудларида жойлашган «Ҳезбиоллоҳ» ҳаракати гуруҳларига қарши қарийб бир ҳафтадан буён ҳарбий операциялар ўтказмоқда. Оқибатда тинч аҳоли орасидан ҳам кўплаб кишилар ҳалок бўлди. Ўз навбатида «Ҳезбиоллоҳ» ҳаракати Исроилнинг шимолий чегараларини тўплардан ўққа тутди. Исроил ҳарбий вертолётларининг охирги ҳужуми натижасида эса Сайд шаҳри яқинида жойлашган Фаластин қочқинлари лагери вайрон бўлди, тинч аҳоли орасидан уч киши қаттиқ яраланди.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон расмий ташриф билан Японияга келди. У Япония Бош вазири Рютаро Хасимото билан «совуқ уруш» давридан кейинги янги шароитда икки мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этади. Шунингдек, АҚШ Президенти Япония императори билан учрашади, мамлакат парламентида нутқ сўзлайди.

Японияга ташрифи ниҳоясига етгач, Президент Билл Клинтон ривожланган саккиз мамлакат раҳбарларининг ядровий хавфсизлик масалаларига бағишланган учрашувида қатнашиш учун Москвага келади.

***

ТАЙВАН ҳукумати қуролли кучларини янги ҳарбий техника билан таъминлашни давом эттирмоқда. Яқинда Тайван АҚШдан яна 300 та М-60 танкларини сотиб олиш ниятида эканини маълум қилди. Мамлакатга бу русумдаги дастлабки танклар ўтган йилнинг май ойида келтирилган эди. Пентагон танкларни қуролли кучлар таркибидан аллақачон чиқариб юборган. Лекин, мутахассисларнинг фикрича, яхшилаб таъмирланса, улар яна 15 йил хизмат қилиши мумкин экан.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

• Буюк Британияда сигирларнинг қутуриши билан боғлиқ жанжаллар натижасида дастлабки фермер қурбон бўлди. Тўрт боланинг отаси бўлмиш Джон Кэпп ўзи яшаб турган Бекингем посёлкасида ўз жонига қасд қилди. Бу сигирлар қутуриши натижасида «синиб қолиш» хавфидан даҳшатга тушиш натижасидир.

***

• Москвадаги банкларароб валюта биржасида рублнинг курси икки пунктга пасайди. Савдо якунида бир доллар учун 4909 рубль даражаси қайд этилди.

ХАЛҚ АРО ҲАЁТ

1883 йили Эдуард Сэмсон Бостонда чоп этиладиган «Глоб» газетасининг ахборот бўлимида мудир бўлиб ишларди.

Бир куни тушлик пайтида улфатлари билан ўтириб, яхшигина ичди. Редакциянинг рассом хонасидаги эски диванда бир оз мизғиб олиш учун кирганида ҳатто кайфи тароқ эди. Шунинг учун у роса «қотиб» ухлади — етти соатдан сўнг, яъни тунги учларда қўрқувдан юраги ҳапқириб уйғонди ва нима бўлганини англашга тиришди. Хайрият туш кўрибди, бироқ ўта даҳшатли туш эди.

Сэмсон бўш хонада нима қиларини билмай бир неча дақиқа жим ўтирди, сўнг чироқни ёқдида, тушида кўрган-кечирганларини батафсил қоғозга тушира бошлади.

У кўп нарсалар ҳақида ёзди: Ява яқинидаги Пралом оролида юз берган вулқон даҳшатидан жинни бўлаёзган ерлик аҳолининг бир неча қалиндика бостириб келаётган қайноқ лавадан қочишини ҳам, қочиб бориб бикирлаб қайнаётган денгизга дуч келишганини ҳам ёзди. Шунингдек, минг-минглаб одамлар қайноқ лавага қоришиб денгизга оқиб кетганини, еру-кўкни ларзага солувчи кучли момақалдироқнинг гумбурлаши тўрисида, кемаларни ютиб юборувчи баҳайбат тўлқинлар ва охир-оқибат бутун Пралом оролини ер билан яксон қилган портлаш ҳақида ҳамда аччиқ тутун бурқсиган вулқон оғзи пайдо бўлган орол кимсасиз даҳшат майдонига айланганини тўғрисида ёзди. Тушнинг барча тафсилотларини битиб бўлгач, қоғознинг биринчи бетига «Зарур!» деб ёзиб қўйди ва столда қолдирди.

Эрталаб ишга келган муҳаррир столда ётган материални кўриб-да, буни Сэмсон тунда телеграф орқали қабул қилган бўлса керак, деб ўйлаб шу куни газетанинг бутун бир саҳифасига «шапка» чиқариб эълон қилди. Бундан хабар топган бошқа газеталар ҳам кўчириб босишни сурашди.

Бостондаги «Глоб» жамоаси охир-оқибат раддия тайёрлади. Шуниси, қизиқки, табиат бу борада ўз «сўзини айтган эди». АҚШнинг ғарбий қирғоқларига шиддатли тўлқинлар ҳайқириб кела бошлади. Ҳинд уммонида қандайдир фавқулодда ҳодисалар рўй бераётганлиги тўғрисида оламнинг турли бурчакларидан хабарлар тинмай келарди. Малайзия ва Ҳиндистоннинг бир қанча вилоятларини сув босди. Қурбонлар жуда кўп бўлди, лекин қанчалиги номаълум эди. Газеталарда бу ҳақда хабарлар имкон қадар берила бошланди ва ўз ўқувчилари олдида аввалги алдов юзасидан узр сўраш масаласини бир четга суриб қўйди.

Бир неча кундан сўнг эса даҳшатли ҳалокат юз берганлиги аниқ бўлди. Шимолда ўта кучли гумбурлаш ҳавони «шилиб» ўтганлиги ҳақида Австралиядан хабар келди. АҚШ, Мексика ва Жанубий Американинг ғарбий қирғоқларида кучли сув тошқини юз берди. Тошқин бутун ер юзини «ювиб» чиқди — бу дунё тарихида юз берган энг улкан уммон тўлқини эди. Ҳиндистон портларига абжаги чиққан кемалар кела бошлади, улар Зонд бўғозида кучли Каракатау вулқони отилиб чиқаётгани ва унинг қайноқ лаваси бутун бошли оролни бор бўйи билан — кўп сонли аҳолиси-ю, ғузал табиати ва жонзотлари билан «ютиб» юборганлиги ҳақида хабарлар олиб келишарди.

Барча газеталар айниқса, Сэмсоннинг Пралом ороли ҳалокати ҳақидаги хабарини босган газеталар бу воқеаларни очқўзлик билан ёрита бошлади. Каракатау вулқони том маънода дунёвий ларза эди...

Каракатау ҳалокати тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлгач, «Глоб»чилар ўз раддиясини стол тортмасига солиб қўйишди ва Сэмсон хабарини биринчи саҳифада шов-шув дея эълон қилишди. Мақолада ёзишларича, Сэмсон фожеани аввалдан билган гўё.

Каракатау воқеаси дунё бўйича шов-шув уйғотди ва Сэмсон ўз жамоасига ишга қайтди. У ҳар бир чиқишини фақат шу ҳалокатга бағишлади.

1883 йил 27 августда Каракатау гумбурлаб, силкина бошлаган ва эртасига портлаган. Йигирма тўққизинчи куни эрталаб эса Зонд кўрфази қайноқ сув остида қолган. Бошқача айтганда Эд Сэмсон редакция диванида алаҳсираб, тўлғониб ётганида ҳақиқатан ҳам Каракатау воқеаси юз берган эди. Сэмсон тушида кўрганлари айнан ўша вақтнинг ўзида ҳаётда содир бўлди. Фақат биргина детали... Эд нима сабабдандир ҳалокатга учраган Каракатау оролини Пралом деб атайди.

Кейин маълум бўлишича, яъни Голландия тарихчилари жамияти аъзолари жўнатган қадимий харитада ёзилишича, Каракатауни юз эллик йил муқаддам ерлик аҳоли Пралом деб атаган экан.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

ЭДУАРД СЭМСОННИНГ ТУШИ

Сэмсон мақолани газета учун ёзмаганлиги, шунчаки қоғоз қоралаганлиги билан ўзини оқларди, бироқ бу оқловларнинг барчаси бефойда кетди.

Газетхонлар олдидаги қарзни ўзиш оғир эди. Хабарни кўчириб босган кўплаб газета таҳририятлари бу алдов учун ўз ўқувчилари олдида ҳисоб беришлари шарт эди. Шунинг учун ҳам Сэмсондан тушунтириш талаб қилишарди. Ва оқибатда Сэмсон зўдлик билан ишдан ҳайдалди, аммо бу билан газета олдидаги муаммо ечилмади. Газеталар бу гамдан фақат Ассошэйтед Пресс қутқариб қолишини кутишарди. Бироқ уларга ҳам дунёвий ҳалокат тўғрисида хабар келавермади.

Муҳаррир хабарни телеграф орқали Нью-Йоркка жўнатди. У ердан эса Ассошиэйтед Пресс агентлиги орқали бутун дунёга тарқатилди. Бу воқеа 1883 йил 29 августда юз берди. Шундан сўнг улкан «реакция» бошланди.

Бостондаги «Глоб»нинг ноширн Сэмсондан нимага асосланиб бундай хабар ёзганига изоҳ талаб қилар, Сэмсон эса тушини қоғозга тушириб катта хатога йўл қўйганлигини тан олар ва бунинг учун ўзини ич-ичдан койирди. Дарҳақиқат, бу хабарга асослн тасдиқ йўқ эди, ҳатто мақолада келтирилган орол номини бутун Бостон кутубхоналаридаги китобларни титкилашиб ҳам топишолмади. Пралом қайси орол экан? Чорасиз қолган Сэмсон мақолани газета учун ёзмаганлиги, шунчаки қоғоз қоралаганлиги билан ўзини оқларди, бироқ бу оқловларнинг барчаси бефойда кетди.

Газетхонлар олдидаги қарзни ўзиш оғир эди. Хабарни кўчириб босган кўплаб газета таҳририятлари бу алдов учун ўз ўқувчилари олдида ҳисоб беришлари шарт эди. Шунинг учун ҳам Сэмсондан тушунтириш талаб қилишарди. Ва оқибатда Сэмсон зўдлик билан ишдан ҳайдалди, аммо бу билан газета олдидаги муаммо ечилмади. Газеталар бу гамдан фақат Ассошэйтед Пресс қутқариб қолишини кутишарди. Бироқ уларга ҳам дунёвий ҳалокат тўғрисида хабар келавермади.

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР

Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган иккинчи босқич — нимчорак финал учрашувларидан кейин кучлилар аниқланди.

Тўрт гуруҳга бўлинган 16 жамоа чорак финалга йўлланма олиш учун уч мартадан майдонга тушди. Ўз гуруҳларида юқори натижаларга эришган иккитадан жамоа курашни давом эттириш имкониятига эга бўлди. Жумладан, «Нефтчи», «Чилонзор», «Пахтакор», «Нурафшон», «Навбаҳор», МҲСК, «Дўстлик» ва «Трактор» футболчилари биллур соврин учун курашнинг навбатдаги босқичига чиқдилар. Чорак финалда эса «Нурафшон» — «Нефтчи», «Чилонзор» — «Пахтакор», МҲСК — «Трактор», «Навбаҳор» — «Дўстлик» жамоалари майдонга тушадилар.

ҲИЗР «КЎРГАН» ОДАМ

Биз шундай халқмиз

У ёғини худо билади. Бизга ноаён бу. Фақат ўзимизча тахмин қиламиз. Эшитганларимизга ишониб-ишонмай яшаймиз. Ҳизр кўрганлар эса... Ҳеч қачон айтмайдилар.

Балки раҳматли Аббос ака ҳам ё ҳушида, ё тушида Ҳизр бувани кўргандир. Бўлмаса, бир сабаб баҳона боис кутилмаганда олис Қашқадарёга учиб кетмасди.

КАТТА ЎҒИЛ ҲИКОЯСИ:

— Отам тасодифан 1992 йил апрелнинг бошида жанубга кетамиз деб қолди. Суролмадим. Одатини билардим. Аввал Самарқандга кириб, Регистонни, Мирзо Улуғбек мадрасасини томоша қилиб, Гўри Амирни, сўнг Қашқадарёга ўтиб, Лангар ота қадамжоларини зиёрат этдик. У киши бошини ҳам қилиб сокин оҳангда шивирлаб Қуръон оятларидан ўқидилар. Қайтамиз деб ўйладим. Йўқ, энди Яккабоғдаги Амир Темур бувининг ғорини кўрамиз дедилар. Дадам учиб юрди. Руҳи тетик эди. Темур бува ҳақида ҳайратга тўлиб-тўлиб сўйлади. Эртаси куни Тошкентга қайтдик.

Мен бу ҳазин ҳикояни охиригача эшитолмадим. У бошқа хотираларни-да сўйлади. Эсимдан чиқди улар.

Кейин Анвар ака секин жимликни бузади: «Отам ҳаётлигида видеотасвирга олинган лента бор. Шуни қўяйин...» Тасма икки соатча айланди-ёв. Юрак ютиб сўролмайман. Бир маҳал шундай бир тасвир келди: Аббос ака ўз бошидан ўтган ҳар хил туҳматмаломатлар ҳақида гапираётиб онаси Раҳбарой момони эслади. Ўзбекистонда жуда катта ишларга бош бўлган инсонни ёлғон ғиллолар туфайли фирқадан ўчиришиб, ишдан олишдан аввал уйларига турли идоралардан одамлар келиб онасига «ўғлингизнинг гуноҳи оғир. 15 йилга қамалади» деб момонинг юрагини эзаверади. Охири у киши бу дардларни кўтара олмаган. «Мени партиядан ўчиришди, — куймадим. Ишдан олишди, — куймадим. Лекин онамдан айрилган куним дунём куйиб кетди», — дея ўкраб-ўкраб йиғлаган одамнинг сўзларини тинглашга юрак қани?

Яна газета-қоғозларни варақлайман. 26 йил узлуксиз ишлаб, ниҳоят 1984 йили (эсланг: Ўзбекистонда қандай даҳшатли тўфонлар бошланиб, московлик «десант»чилар исковичлардай изғиб юрган маҳаллар) Аббос Сайдуллаевнинг тақдир тегирмони чаппа айланиб кетди. Буни кўрганлар, яқиндан билганлар наҳот энди етмишинчи йиллардаёқ ўз ҳом ашёмизни ўзимизда ишлашга ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилган энг йирик мутахассис, тадбиркор инсоннинг йўл қўйган хатолари шунчалар кўп бўлса-я! — дея ёқа ушлашди.

Айтишади-ку, зўрники тегирмон юргизар деб. Барибир ҳақ қарор топди. Етти йиллик сўнгсиз азоблардан кейин 1990 йилнинг охирларида республика прокуратураси аралашуви билан барча ноҳақликларга нуқта қўйилди. Аббос Сайдуллаев яна ўзининг қадрдон жойи — Келес жунни дастлабки қайта ишлаш корхонасига ишга тикланди. Лекин...

Синган кўнгли тикланмади. Эгилган қадди тикланмади. Муштипар онаизори қайтиб келмади. Яна кунлар, ойлар ўтаверди. Етти йил орасида ўз қўли билан экган дарахтлари қуриб кетган, қурган бинолари қулаб тушган эди. Ҳаммаси қайтадан бошланди.

1991 йилнинг сентябрида... Аббос ака дунёга сиғмади. Мамлакат, юрт озод бўлди. Ўшанда бу кўнгли ярим одам ўзининг умрида кечган ҳамма азоб-уқубатларни унутгандай бўлди. Энди шу эл учун, шу тупроқ учун умримни сарфлайман, деб ният қилди. Сўнг...

Ҳали сўзимизнинг бошида эслаганимиз Қашқадарё сафарига отланди. Ўшанда кўнглидан нелар кечгани йлгиз Яратганга аён. Афсуски, 1992 йил кузакнинг ўртасида... юраги чидолмади.

Бу йил яна куз келса тўрт йил тўлади. Келес тарафларда, қоларверса, Собир Раҳимов туманига қарашли Абдулла Набиев номидаги маҳаллада одамлар катта-кичик гурунгларда кўп эслашади: «Аббос аканинг ўрни жуда билиняпти. У кишининг беҳисоб яхшиликлари, ёрқин хотираси кўнглимизда. Лекин номи кўзимиз олдида сезилмаяпти. Ўзи яшаган кўча (ҳалиям ўрисча «Первый Спутник» деб аталаркан — **Н. Ж.**)га номини қўйишни сўрасак йўқ дейишмас. Ахир у киши мамлакатимиз тараққиётига баҳоли қудрат улуш қўшган. Қатор мукофот ва мақтовлар олган эди. Бу соддагина мулоҳазалар ортида кўп савобли ишлар, яхшилик нурлари ётибди.

Норқобил ЖАЛИЛ.

Санъат

ОВОЗИ ЎХШАЙДИ...

Эгамберди Тўраевни биласиз. Муқалладчи. Бошқача айтганда овозларни ўхшатадиган тақлид устаси.

Очиғи, тўйимиз, яхши кунимиз кўп халқмиз. Гоҳо кимдир Эгамберди акани тўйга айтса, эл-улус ярим ҳазил-ярим чин аралаш «икки карра ютибди қурмағур, нега десанг, у ҳам қўшиқ айтади, ҳам тўйга келмаган санъаткорлар овозини «келтиради» дейди. Бу бор гап.

Энди узоғи билан йигирма йил нарини эслайлик. Ғузордаги Чугуртма қишлоғидан чиққан йигит машҳур ҳофизлар Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаровларнинг қўшиқларини эшитиб... Еру осмонга сиғмасди. Ўқиб юрган кезларда уларнинг қўшиқларини ўзича «кифти»ни келтириброқ хиргойи қиларди. Айниқса, Фахриддин Умаровнинг «Гулдаста» ашуласи уни сеҳрлаб қўйганди. Мактаб саҳналарида, тўю-томошаларда шу ашулани кўп айтарди.

1967 йили Фахриддин Умаров Қаршида катта концерт берди. Ўша пайтда Қарши Давлат педагогика институтининг биринчи курс толиби Эгамберди Тўраев кечадан сўнг ҳофизнинг йўлини пойлади. Узоқдан салом берди. Ҳофиз бош силкиди. Уни тер босди. Ҳаяжонини яширолмади. «Бир оғиз гапим бор эди сизга...» дея олди. Сўнг, меҳмонхонага кириб қўшиқ айтиб берди:

Гулдасталар териб
келай, деб
Чаман ичра ҳаяллаб
кетдим.

...

Фахриддин ака «Гулдаста нима?» — дея сўради.

— Бир неча гулнинг жамланганида.

— Унда:

Гулдасталар
тузиб
келай, деб
Чаман ичра ҳаяллаб
кетдим,

деб айтиш керак ўғлим, деди кулиб.

Шунгаям ўттиз йилча вақт ўтибди. Шу-шу Эгамберди ака ҳар бир шеърнинг, ғазалнинг сўзига алоҳида эътибор берадиган бўлди. Чустий, Хислат, Нилуфар, Абдулла Ориповларнинг қуйма сатрларини қўшиқ қилиб, эл назарига тушди.

Энди тақлидчилигига келсак... Бир куни Саид Аҳмад Таваккал Қодиров (худо раҳмат қилсин)нинг фильм-концертида ҳофизга баҳо бераётиб, Таваккалнинг овозини ҳеч бир тақлидчи қилолмаслигини айтибди. Шундан сўнг Эгамберди ака Таваккал Қодировнинг «Ўхшайдику» ашуласига баланд пардали овозда тақлид қилиб ижро этади ва бирдан назарга тушади.

Бугунги кунда Эгамберди Тўраевнинг «ёнида» Азим бахши, Жуманазар Бекжонов, Камолиддин Раҳимов, Қувондиқ Искандаров, Неъматжон Қулабдуллаев, Ортиқ Отажонов, Олмахон Ҳайитова ва бошқаларнинг овозлари бор.

Эгамберди ака тақлид қилишда нафақат санъаткорнинг овозига, балки юришига, икир-чикир қилиқларига ҳам жиддий эътибор беради. Қайси даврада бўлмасин, ҳамсуҳбатининг юриш-туриши, хатти ҳаракатини бир зум ўтмай ўхшатиш, уни уқиб олиш хислатига эга.

У мақтанишни хуш кўрмайди. Бўлмаса катта-катта танловларда яхши ўринлар олган. Машҳур қизиқчи, раҳматли Муҳиддин Дарвишев билан бирга мамлакат миқёсида ўтказилган беллашувда фахрли ўринларни эгаллаган. Ҳар ҳафта радио тўлқинлари орқали қўшиқлари янграб туради. Гоҳо даврларни қаҳ-қаҳаларга тўлдиради. Гоҳо...

Хуллас, бу ўша — сизубиз билган, эшитган, кўрган Эгамберди Тўраев-да.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо топқусидир!

МУШТ КЕТДИ-Ю БЎШ КЕТДИ

Аввалига Жўра Ҳазратқулов шофёр Бўри Холматовнинг қулоғига шипшиди: «Шу десангиз, кеча машинам билан келаётгандим, бир йигит рўпарамдан чиқди. Дизель ёқилғиси керакмиш».

Жўранинг қуйиб-пишишини Бўри тушунди. Кафтини ишқалаб шеригига гап қотди:

— Осмондан чалпак ёғилди, деяверинг.

... Баҳор оёқланиб, чўлни яшил майса қоплаган. Ҳазратқулов ўша куни машинасида хиргойи қилиб келарди. Шу тобда давангир йигит йўлини кесиб чиқди. Жўра ҳам машинага тормоз урди. Кабина зинасига дарров осилиб олган бояги йигит ҳайдовчини гапга тутди:

— Ака, бизга дизель ёқилғиси керак.

Жўра елка қисди.

— Қуруқ қўймаймиз, — деди у бидирлаб, ўзини Баҳористон туманидаги «Ботир» хусусий фермер хўжалигининг ҳисобчиси Арслонов деб таништираркан.

Жўра имкониятга қараб иш тутишини билдирди. Шунда йигит: «Мабодо мени хўжаликда тополмасангиз, 16-савдо дўкони мудири Султоновга учрашасиз, пулини ўшанга қолдираман, деб тайинлади. Пул деганда Жўра сергак тортди. Яхшиси, вақтида савдолашгани маъқул.

— Акамбой, бу машинага 10 та кетади. Қанча берасиз.

— Ўнтага ўнта-да, — кулди Арслонов.

Жўра ўша куни туни билан мижжа қоқмади. Аммо бировга дил ёрмади. Наврўз байрамининг эртаси куни ҳамкасби Бўри Холматовни Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳузуридаги базадан 8,4 тонна дизель ёқилғисини ўз машинасига юклаб турган жойда учратди. Икковининг гапи бир ердан чиқди. Бироқ Бўри Холматов пешонасини тириштириб, ўйланиб қолди.

— Барибир каттамиз билиши керак-да, — деди тилга келиб. — Ёқилғини Кўқдумалоқдаги Қарши нақлиёти бошқармасига қарашли бургулаш участкасига олиб боришим керак. Мастер Жакбарали Қамбаров рози бўлса, иш силлиқ кўчди деявер.

Улар Жакбарали Қамбаров билан учрашишди. У ҳам пул деганда ювош тортди. Юк хатига дизель ёқилғиси участкасига келиб тушганлиги ҳақида имзо чекди. Иш ҳамиждан қил суғургандай битарди. Икки ҳайдовчи Арслонов айтган савдо дўкони мудири Р. Султоновга учрашишди. Мудир ҳам хўжаликка олиб бориб, олдиндан тайёрлаб қўйилган идишларга ҳамма ёқилғини бўшатди.

— Мана, ака, улушингиз, — мудир Жўрага ўн минг сўм пулни узатди.

Учаласи дўконга қайтишди. Бу ердан бир тўп чит, 4 қоп ун, 15 шиша ароқ, костюм-шим ва бошқа буюмларни харид қилишди. Қараса, иккисининг ҳам қўйни-қунжи тўлган. Ж. Қамбаровга эса аталган накд 4000 сўм пулни белидан тугишди.

Орадан ҳафта ўтмай Жўра яна қадрдони Бўрини шимолий Ўртабулоқ нефть конида учратиб деди:

— «Ботир» фермасига яна ёқилғи керакмиш. Мундоқ қиласиз, нефть кони муҳандиси Тоҳир Йўлдошев билан келишиб қўйганман. Муборакдан қайтишда машина рулини эски жойга бурасиз. Ҳужжатлардан ғам еманг.

Улар баҳслашмадилар. Муҳандисни излаб топишди. Йўлдошев ҳам гапни чувалантириб ўтирмай дарров қўна қолди. 1995 йилнинг 31 март куни шериклари Б. Холматовга тегишли КамАЗ-532112 русумли 43-17 КФМ давлат рақамли автомашина шимолий Ўртабулоқ нефть кони учун ажратилган 42 минг 755 сўм нархланган 8 тоннаю 400 килограмм дизель ёқилғисини яна «Ботир»га элтиб ташлашади. Бу гал ҳам улар Султоновга учрашиб, 10 минг сўмни қуртдай санаб олишади. 4000 сўмни Т. Йўлдошевга қолдириб, қолган пулларга дўкондан буюмлар сотиб олишади.

Уларнинг иши юришаётган эди. Одамлар бир неча ой югуриб-елиб топганини бир марта «юриш» билан қўлга киритарди.

Март ойининг сўнгги кунида Б. Холматов синфдоши Қарши туманидаги «Жамият» хусусий фермер хўжалиги раиси Ж. Тўхтаев билан учрашиб қолди.

— Бўри, ёқилғи конида ишлайсан, — дея тилга кирди раис. — Ёрдам қилсанг. Бир машина ёқилғи олиб кел, бир тонна пахта ёғи берораман.

Бўрининг юраги ўйнади. Дарров кўна қолди. Қарши пармалаш ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Асаф Аббязов таклифни рад этолмади. Орадан кўп ўтмай Б. Холматов ўзига бириктирилган машинада 59 минг 430 сўмлик 8,5 тонна дизель ёқилғисини келишилган жойга етказиб келади. Лекин ваъда этилган пахта ёғини ололмай қайтади. Сабаби уни олиб кетиши учун идишлари йўқ эди. Орадан ҳафта ўтмай пахта ёғи ўрнига 13 минг сўмни олиб кетади. Шундан 6000 сўмни А. Аббязовга беради.

Шундай қилиб, бу уюшган жиноий гуруҳ аъзолари 1995 йилнинг март ойи даврида давлатнинг 25,3 тонна дизель ёқилғисини талон-торож қилишга улгуради. Фуқароларга шунча ёқилғини ўз манфаатини кўзлаб арзон-гаровга, 33 минг сўмга пуллаб юборишади. Аслида-чи? Бу миқдордаги дизель ёқилғиси 144 минг 941 сўм 19 тийинни ташкил этарди. Уюшган гуруҳнинг қора қилмишини вилоят ички ишлар бошқармаси коррупция, террор ва рекэтга қарши кураш бошқармаси ходимлари тезкорлик билан фош этдилар.

Вилоят суди раисининг ўринбосари Равшан Турсунов раислигида ушбу жиноий иш тўлиқ ўрганилиб чиқилди. Суд ҳукмига кўра уюшган гуруҳ аъзолари турли муддатларга озодликдан маҳрум этилиб, тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдиган бўлишди.

«Мушт кетди» ўйини узоққа чўзилмади. Муштни мустаҳкам тугмагани учун бўш кетишди.

Ушбу ҳукм республика Олий Суди томонидан ҳам тасдиқланди.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳининг катта назоратчиси, милиция капитани.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Ўлкамизда истиқлолимизнинг беш йиллиги ҳамда соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллудининг 660 йиллик тўйларига катта тайёргарлик кўриляпти. Жойларда мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, унутилаёзган қадриятларимизни тиклаш мақсадида кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда. Улардан бири Жиззах Давлат педагогика институтида ўтказилди. Муаллимлар ва талабалар томонидан тайёрланган «Куч — адолатда» мавзуидаги адабий-драматик мусиқий композиция томошабинларга ҳавола қилинди. Бу тадбир институт ўқитувчиси Нозбуви Бойчаеванинг ижоди бўлиб, унда уч авлод учрашуви ҳақида ҳикоя қилинади. У бобомиз Амир Темур, мустақиллик тарафдорлари бўлган ва ўз даврида шу ғоя учун қатағонга дуч келган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби адибларимиз, шу билан бирга замондошларимиз учрашувидан иборат бўлди. Ватанни мадҳ этувчи оммавий қўшиқлар, рақслар ва Амир Темур тузуклари мужассам бўлган ушбу тадбирда Жиззах вилояти ҳокимлигидан, маҳаллалардан, институтлардан вакиллар иштирок этишди.

Гулмира МУСАЕВА.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

Г — 0183

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

УН ва ДОН

ишлаб чиқариш билан машғул бўлган фабрикалар диққатига:

* Мини лаборатор тегирмонлар;
* Ун ва дон маҳсулотлари;
намлигини аниқловчи жиҳозлар;
* Ун тегирмонлари учун вальцлар;
— БЗН (1000x250)
— БВ (1000x250)
— БВ (800x250)
* Полипропилен қоплар (50-15 кг сиғимли)

СОТИЛАДИ

FIRMA DEMIR

Манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26
Тел: 33-06-00, 33-81-48, 56-07-59, 56-12-98, 56-57-04, 41-87-73, 30-76-31, 30-40-42.

ÖZBEK SERVIS MAŞ

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси.

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади:

МАЗ автомобилларининг эҳтиёт қисмлари (100 номда)

Шу жумладан:
- *МАЗ-53366* автомобили соябони (тенти) пломбалаш троси билан,
- *202* генератори,
- ременлар,
- датчиклар,
- турли турдаги амортизаторлар,
— кабина копламалари
- *А24-1, А24-5* электролампалари.

Шунингдек, **МТЗ** тракторларига эҳтиёт қисмлар (30 номда), шу жумладан:
- блок головкаси,
- цилиндрлар блоки,
- гидроусилитель,
- коленваллар вкладишлари билан,
- дисклар ("ведомий" ва "нажимной") сотилади.

300x508 шиналари сотилмоқда.

Ҳақ тўлаш шакли — сўмда нақд пул ўтказиш, вексель йўли билан.

Манзил: Тошкент,
Кафанов — Нукус мавзеси, 3.
Телефонлар:
54-99-19, 54-62-09,
Факс: 54-88-11.



"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — МАҲСУЛОТЛАР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.

«ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ»

Республика акционерлик бирлашмаси

Давлат солиқ қўмиталарида рўйхатга олиш муддати 1996 йилнинг 1 майига қадар узайтирилган, чет элда ишлаб чиқарилган

«РОЙАЛ»

назорат-касса машиналарини

хўжалик шаклидан қатъи назар, чакана савдо корхоналарига савдо учун

тақдим этади.

Битта НКМнинг нархи — 230 АҚШ доллари, сотилаётган кундаги курс қийматида, Ўзбекистон Республикаси сўмларида.

Ҳақ тўлаш шакли-нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: 700091, Тошкент ш., «Янги-обод» даҳаси, «Толариқ» кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119.
«Янгиобод» шоҳбекати.

ЎзРФА И. Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси Институт бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор М. Н. Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси **ҚАМБАРА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази Ўзбекистон халқ артисти **Таваккал ҚОДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қибрай туманидаги «Буюк Турон» хусусий корхонаси жамоаси корхона раҳбари муовини Тоҳиржон Ҳикматовга падари бузруквори **ҲИКМАТ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.